Халқ депутатлари Учқудуқ туман Кенгашининг

Қ А Р О Р И

Uchquduq tuman A.Temur - 28 tel: (79) 222-00-05

2021 - yil 2 - iyul VI-31-13-5-76-K/21 Uchquduq tumani hokimligi

Учқудуқ туман “Йўлчилар” овул ҳамда “Мустақиллик” ва “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан янги маҳалла фуқаролар йиғинини тузиш тўғрисида

“Йўлчилар” овул фуқаролар йиғинининг 2021 йил 29 мартдаги 02-10/40-сонли илтимосномаси, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимяти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4-мартдаги “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида”ги Низомини тасдиқлаш ҳақидаги 48-сонли қарорига мувофиқ халқ депутатлари туман Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тумандаги “Йўлчилар” овул ва “Мустақиллик”, “Абай”, “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан янги маҳалла фуқаролар йиғини тузилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг хулосасига асосан янги тузилаётган маҳаллага **“ИФТИХОР”** номи берилсин.

3. Бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган маҳалла фуқаролар йиғинининг

Ер майдони 1-иловага мувофиқ,

аҳоли сони 2- иловага мувофиқ,

чегаралари 3-иловага мувофиқ,

“Йўлчилар” овул фуқаролар йиғинининг ўзгартирилган чегара чизмаси 4-иловага мувофиқ,

“Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғинининг ўзгартирилган чегара чизмаси 5-иловага мувофиқ,

“Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинининг ўзгартирилган чегара чизмаси 6-иловага мувофиқ,

“Абай” маҳалла фуқаролар йиғинининг ўзгартирилган чегара чизмаси 7-иловага мувофиқ,

Туман ҳудудида ташкил этилаётган “Ифтихор” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегара чизмаси 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман ҳокими ўринбосари (Ф.Бафоев), туман статистика бўлими (етакчи мутахасиси М.Бахромов), Кадастр агентлиги Учқудуқ туман бўлими бошлиғи (А.Қиличев), туман қурилиш бўлими (И.Баҳромзода) ва бошқа тегишли мутасадди давлат органлари билан биргаликда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш хужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширсинлар.

5. Туман ҳокими ўринбосари (У.Тўраев), туман ички ишлар бўлими (А.Е.Райханов), туман Давлат Солиқ инспекцияси (Ў.Шодиев)лар билан биргаликда мазкур қарор билан янги тузилган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ҳудудида яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортларига ўзгартиришлар киритиш;

Янгидан тузилган маҳалла фуқаролар йиғинига думалоқ муҳр ва тамға ясаш;

Маҳалла фуқаролар йиғинига ИНН рақами очиш рухсатномаси бериш, мазкур ҳудуд экс эттирилган йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар

киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

6. Туман ҳокими ўринбосарлари (Ф.Бафоев, У.Тўраев, О.Рамазонов) билан биргаликда;

15 кун муддатда янгидан тузилган маҳалла фуқаролар йиғинини маъмурий бино билан таъминлаш мақсадида, ўша ҳудудда жойлашган давлат ва нодавлат ташкилотларига тегишли бўлган бўш турган бинолар ва хоналарга вақтинчалик жойлаштириш бўйича ўз таклифларни киритиш;

янгидан тузилган маҳалла фуқаролар йиғинига номи ёзилган кўрсатгич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида ўрнатиш;

янгидан тузилган маҳалла фуқаролар йиғинини лозим бўлган мебель ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш вазифаси топширилсин.

7. Туман ҳокимлиги молия бўлими (Ж.Бобомуродов) янги маҳалла фуқаролар йиғини ташкил қилинаётганлиги муносабати билан маҳалла фуқаролар йиғини раиси, раиснинг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ҳамда оила хотин-қизлар ва ижтимоий–маънавий масалалар бўйича ўринбосарлари лавозимига қўшимча штат бирликларини ажратилишини таъминласин.

8. Туман ҳокими ўринбосари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи (У.Тўраев), туман ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи (Л.Гадоев) янги ташкил этилаётган маҳалла фуқаролар йиғинида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Қонунинг талаблари асосида маҳалла ҳудудида, кўчаларда вакиллар йиғилишлари ўтказилиб, сайлов йиғилишига вакиллар нормаси асосида вакиллар сайлаш, маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш учун камида 3 нафардан муносиб кадрлар захирасини шакллантириб, туман ҳокимига таклиф киритиш вазифаси юклатилсин.

9. “UCHQUDUQ” туман газетаси таҳририяти (Р.Қодирова) мазкур қарорни газетада расмий эълон қилиш ҳамда туман ҳокимлиги Ахборот хизмати ҳамда хокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш тавсия этилсин.

10. Ушбу қарор расмий нашрда эълон қилинган кундан кучга кириши белгилансин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда

қолдираман.

Кенгаш раиси **С. Хамроев**

Халқ депутатлари Учқудуқ туман
кенгашининг
2021 йил 2 июлдаги
VI-31-13-5-76-K/21-сон қарорига
1-илова

Ҳалқ депутатлари

Учқудуқ туман Кенгашининг

2021 йил _____-даги

_____-сонли қарорига

1-илова

“Мустақиллик”, “Дўстлик”, “Абай” маҳалла ҳамда “Йўлчилар” овул фуқаролар йиғинининг бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ер майдони

“Йўлчилар” овул фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони 132 га	“Йўлчилар” овул фуқаролар йиғинининг қолган ер майдони 53. га	Янги ташкил этилаётган “Ифтихор” маҳалла фуқаролар йиғинининг ер майдони 115.8 га
“Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони 49.2 га	“Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғинининг қолган ер майдони 40.8 га	
“Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони 104 га	“Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинининг қолган ер майдони 83.7 га	
“Абай” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони 52.7 га	“Абай” маҳалла фуқаролар йиғинининг қолган ер майдони 44.3 га	

Ҳалқ депутатлари

Учқудуқ туман Кенгашининг

2021 йил _____-даги

_____-сонлиқарорига

2-илова

“Мустақиллик”, “Дўстлик”, “Абай” маҳалла ҳамда “Йўлчилар” овул фуқаролар йиғинининг бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳоли сони

“Йўлчилар” овул фуқаролар йиғинининг умумий аҳоли сони 5140 (нафар)	“Йўлчилар” овул фуқаролар йиғинининг аҳоли сони 3953 (нафар)	Янги ташкил этилаётган “Ифтихор” маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони 1809 (нафар)
“Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий аҳоли сони 5730 (нафар)	“Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони 5116 (нафар)	
“Дустлик” маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий аҳоли сони 7915 (нафар)	“Дустлик” маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли сони 7907 (нафар)	

Ҳалқ депутатлари

Учқудуқ туман Кенгашининг

2021 йил _____-даги

_____-сонли қарорига

3-илова

Бўлинадиган ва янги ташкил этиладиган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг чегаралари

	Бўлинадиган маҳалла фуқаролар йиғинлари	Бўлинадиган маҳалла фуқаролар йиғинларининг чегаралари	Янги ташкил этилган “Ифтихор” ўзини-ўзи бошқариш органи чегаралари

1	“Йўлчилар” Овул фуқаролар йиғинининг чегаралари	“Боздун” овул фуқаролар йиғини, “Абай” маҳалла фуқаролар йиғини, “Айтим” маҳалла фуқаролар йиғини, “Шалхар” овул фуқаролар йиғини	“Шалхар” овул фуқаролар йиғини, “Узунқудуқ” овул фуқаролар йиғини, “Абай” маҳалла фуқаролар йиғини, “Навоий” маҳалла фуқаролар йиғини
2	“Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегаралари	“Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғини, “Навоий” маҳалла фуқаролар йиғини, “Узунқудуқ” овул фуқаролар йиғини	
3	“Абай” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегаралари	“Шалхар” овул фуқаролар йиғини, “Йўлчилар” овул фуқаролар йиғини, “Навоий” маҳалла фуқаролар йиғини	
4	“Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғинининг чегараси	“Айтим” маҳалла фуқаролар йиғини, “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини, “Навоий” маҳалла фуқаролар йиғини	

Ҳалқ депутатлари

Учқудуқ туман Кенгашининг


2021 йил_____-даги

_____-сонли қарорига

4,5,6 ва 7 иловалари

Бўлинаётган, “Йўлчилар” овул фуқаролар йиғини, “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғини, “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда “Абай” маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўзгартирилган чегара чизмаси

Учқудуқ тумани янги таклиф этилаётган МФЙлар ҳудудининг ХАРИТАСИ



Ҳалқ депутатлари

Учқудуқ туман Кенгашининг

2021 йил _____-даги

_____-сонли қарорига

8-илова

Янгиташкилэтиладиганфуқароларнингўзини-ўзибошқаришорганларининг чегаралари

